

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК : 378:33(575.1)

БОЛТАЕВА НАФОСАТХОН БАХОДИР ҚИЗИ

**ЁШ МУТАХАССИСЛАРДА БОШҚАРУВЧАНЛИК ВА
ТАДБИРКОРЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**5A111001-Касб таълими назарияси ва методикаси (иқтисодиёт)
мутахассислиги бўйича**

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
пс.ф.н., доц. Р.Абдуллаева

Тошкент – 2021

Ушбу диссертация ишида ёш мутахассисларда бошқарувчанлик ва тадбиркорлик сифатларини шакллантиришнинг педагогик-психологи асослари ёритиб берилган. Ёш мутахассисларда бошқарувчанлик ва тадбиркорлик сифатларини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, ёш мутахассисларда бошқарувчанлик ва тадбиркорлик сифатларини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда Ўзбекистонда мутахассисларни бошқарувчанлик ва тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашнинг амалий ҳолат ҳақида сўз кетади. Бундан ташқари, бошқарувчи шахсининг профессиона мутахассислик сифатларини шакллантириш омиллари билан бир бошқарувчи ва тадбиркорларнинг шахсий ва касбий сифатларини шакллантириш усуллари кўрсатиб берилади. Шунингдек диссертация ишида ёш мутахассисларда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришга хос сифатларни шакллантиришнинг аҳамиятига эътибор қаратилади.

This dissertation describes the pedagogical and psychological basis for the formation of managerial and entrepreneurial qualities in young specialists. It shows peculiarities of the formation of management and entrepreneurial qualities in young specialists, the role and importance of the formation of managerial and entrepreneurial qualities in young professionals and the practical state of training specialists in management and entrepreneurship in Uzbekistan. In addition, along with the factors of formation of professional qualities of the manager, the methods of formation of personal and professional qualities of managers and entrepreneurs are shown. The dissertation also focuses on the importance of the formation of entrepreneurial qualities in young specialists.

Магистрлик диссертация иши “Инновацион таълим” кафедрасида
дастлабки химоядан ўтган 43 сонли баённома
« 16 » июнь 2021 й.

Илмий раҳбар: *Ҳодисаева РМ* _____
ф.и.ш. имзо сана

Магистр: Беллава Н.Б. Иванов сана
Ф.И.Ш. ИМЗО

“Ҳимояга рухсат этилади”

«Инновацион таълим» кафедраси мудири
М.Ф.Ҳакимова *М.Ф.Ҳакимова*
2021йил «*24*» *июль*

Химия Тошкент давлат иктисодиёт университети

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ.....	4
I Боб	БОШҚАРУВЧАНЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1.	Ёш мутахассисларда бошқарувчанлик ва тадбиркорлик сифатларини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари.....	12
1.2.	Ёш мутахассисларда бошқарувчанлик ва тадбиркорлик сифатларини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти.....	27
1.3.	Ўзбекистонда мутахассисларни бошқарувчанлик ва тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашнинг амалий ҳолати.....	39
	Биринчи боб юзасидан хулосалар.....	61
II Боб	ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ БОШҚАРУВЧАНЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МАЗМУНИ, ЙЎЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ.....	64
2.1.	Бошқарувчи шахсининг профессионал-мутахассислик сифатларини шакллантириш омиллари	64
2.2.	Хизмат юзасидан муносабатларда тадбиркор шахслар олдида қўйиладиган талаблар ва қоидалар.....	81
2.3.	Бошқарувчи ва тадбиркорларнинг шахсий ва касбий сифатларини шакллантириш усуллари.....	91
	Иккинчи боб юзасидан хулосалар.....	98
III Боб	ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ БОШҚАРУВЧАНЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ САМАРАДОРЛИГИ.....	100
3.1.	Бошқарувчи шахс профессиограммасининг педагогик- психологик асослари	100
3.2.	Ёш мутахассисларда тадбиркорлик хусусиятларини шакллантиришнинг ахлоқий жиҳатлари.....	110
3.3.	ТДИУ академик лицейи ўқувчилари билан ўтказилган тажриба синов натижалари таҳлили	114
	Учинчи боб юзасидан хулосалар.....	119
	ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	125
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	127
	ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бозор ислохотлари амалга оширилаётган шароитда мустақил фикрловчи ёшларнинг мавжудлиги давр тақозоси ҳисобланиб, ўз шахсий дунёқарашига эга бўлган инсонларгина жамият тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган кўплаб лойиҳаларни ишлаб чиқишга қодир эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, ерга, мулкка эгалик ҳиссини таркиб топтириш орқали уларда иқтисодий билим ва иқтисодий фикр юритишнинг ҳам эркинлашувига эришиш мумкин. Яъни, иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришнинг муваффақияти ҳар бир фуқаронинг мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, тадбиркорлик фаолияти мотивациясини янада кучайтиради.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти механизмларининг такомиллашуви натижасида хусусий мулкчиликнинг барча шакллари ривожланиб, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилди. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, тадбиркорлик фаолиятининг янгилиниши одамларнинг хусусий мулкчилик ва меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Кичик бизнес (жумладан, оилавий бизнес), фермерлик ҳаракати, қўшма корхоналарда хусусий тадбиркорликнинг самарали усуллари жорий этиш, ушбу фаолиятга имкон берувчи шахс сифатларини тарбиялаш, инсонлар тафаккурида янгича қарашларни шакллантириш педагогика-психологиянинг муҳим масалаларидан ҳисобланган тадбиркорлик муаммосини изчил асосда ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020-йил 13-октябрдаги ПҚ-4862-сонли қарори¹, “Оилавий тадбиркорликни

¹ “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020-йил 13-октябрдаги ПҚ-4862-сонли қарори